



ADOLAT

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 51
(703)
2008 йил,
12 декабрь,
жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

✓ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Истиқлол туфайли халқимиз мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сибсатга асосланган қудратли ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос модели ишлаб чиқилди. Уни ҳаётга тадбиқ этиш босқичлари белгилаб олинди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очиб берди. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноб тарихий имкониятга эга бўлди.

Мустақиллик жамият ҳаётининг барча жабҳалари, жумладан, қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга, ислох қилишга катта туртки берди. Иқтисодий муносабатларда, айниқса, мулк масалаларида тўб ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш

дастури амалга оширилиши натижасида, мамлакатимизда ҳақиқий кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилди, нодавлат сектор мустақамланди.

боис, бу борада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, энг муҳими, қишлоқни ислох қилишни нимадан бошлаш кераклигига аҳамият берилди.

лиги тўғрисида», «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу тариқа тармоқда иқтисодий ислохотлар асосида янада такомиллашган, ти - товарлар ишлаб чиқаришни мустақамлаш ва ривожлантиришга ҳам устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилди.

Фермер ва дехқон ҳўжалиқларига, энг аввало, чорвачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга том маънода эркинлик берилди, улар мамлакат аҳолисини таъминлаш баробарида ўз маҳсулотини хорижга сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган комплекс Дастур қабул қилинди. Унда бозор иқтисодиёти талабларига мос замонавий аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий этишга қаратилган, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, урувчилик ҳамда чорва наслчилигини такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Жамият янада демократлаштириш шароити

Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади

Ислом КАРИМОВ.

БУГУНГИ СОНДА:

ОЛОТЛИК «РОБИНЗОН КРУЗО»

— Бешинчи йил ахвол шу, — дейди фермер. — Нима қилиш керак, бошим қотган. Чикинг, бу ердан десам, ёқамдан олади. Қўлида қонуний бирорта ҳам ҳужжати йўқ.



2

ЯНГИ ОКЕАН ПАЙДО БЎЛАДИМИ?



Кузатувлар натижасига кўра, олимлар янги пайдо бўлаётган океан Африкани иккига бўлиб юборишини айтишмоқда.

3

РАВШАН ЭРМАТОВ ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИДА

Япониядаги клублар ўртасида Жаҳон чемпионати Равшан Эрматов учун жиддий синов вазифасини ўтайди.



4

Жамоатчилик назорати:

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонасининг масъул ходими Уткир Бердиқолов ҳар сафар миқоз билан юзма-юз бўлганда ўзини қунончақ назоратчи сифатида кўрсатишга интилади. «Хизматимиздан туну кун зерикмай фойдаланасизлар-у, пулини тўлашга келганда вақт топпайсиз. Шунинг учун ҳамма тўловларини ундиришга ўзим келдим. Марҳамат, қўл қўйинг-у, тўлов палласини олиб қўлинг...»

Миқоз андак қизариб чўнтак қовлашга тушади. Сўнг қаршимдан қутулганимни айтиб бўлади, деб назоратчи қолдирган паттани эҳтиётлаб қўяди. Аммо орадан кўп ўтмай «Сувоқова» корхонасидан айнан ўша қарзларни тўлаш ҳақида янги хабарнома олади. Масала

га аниқлик киритиш учун хабарнома юборганлар билан учрашганда назоратчи Уткир Бердиқолов қўлига тутқазиб кетган тўлов патталарни ҳисоботга киритилмаган сохта ҳужжатлар бўлиб чиқди.

Самарқанд шаҳар Марғилон кўчаси 56-уйда истиқомат қилувчи А.Исмоилов ва нопок назоратчининг бу қилишидан жим туролмади. Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмасига ариза билан мурожаат қилди. Натижа шу бўлдики, «Сувоқова» корхонаси ходими У.Бердиқолов миқоз ҳақини ўлаштиргани учун вазифасидан бўшатилади ҳамда иш бўйича тўланган ҳужжатлар шаҳар прокуратурасига тақдим этилди. Бу Самарқанд вилояти

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси фаолиятдан бир мисол, холос. Бирлашма ҳодимларининг сўй-ҳаракатлари туфайли истеъмолчилар манфаатларини ёқлаш, аҳолига кўрсатилаётган савдо, транспорт, маиший ва коммунал хизматлар сифатини яхшилаш борасида катта ҳақидаги ишлар амалга оширилди. Бирлашма ва унга қарашли жамиятлар томонидан шу йилнинг ўн ойи мобайнида корхона, ташкилотларда 3 миңдан ортиқ мониторинг ва ўрганишлар ўтказилиб, назорат қилувчи органларга тегишли чоралар қўриш учун 281 та тақдирнома киритилди. Айбдорлардан истеъмолчилар фойдасига 14 миллион 836 миң 700 сўм ундириб берилди.

— Фуқаролик жамияти қарор топаётган бир шароитда турли корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят бирлашмаси раиси Ражаб Холбеков. — Шунингдек, кўпчилик биз вилоятдаги нодавлат, жамоат ташкилотлари билан мустақам ҳамкорликда иш олиб бораётимиз. Хусусан, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, «Нуроний» жағғармаси ва маҳалла қўмиталари билан биргаликда 100 дан ортиқ мониторинг ўтказилди. Шунинг натижасида шаҳар ва туман жамиятларига истеъмолчилардан тушган миңдан ортиқ ариза ўрганилиб, уларнинг 980 таси ижобий ҳал қилинди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Бахтиёр ТЕМИРОВ,
«Адолат» мухбири.

✓ Парламент ҳаёти

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Депутатлар партия электорати манфаатларини инобатга олиб, қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи тавсияларни берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров бошқарган мажлис йиғилишида Парламент қўйи палатаси ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши назарда тутилган бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — олий мақсади» номи маърузасидан келиб чиққан ҳолда партия олдига турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

— бу аҳоли ўртасида мазкур маърузанинг мазмун-моҳиятини тушунтиришдан иборат. Таъкидланганидек, маърузада илгари сурилган гоя, стратегик мақсад ва вазифалар юртимизни озод ва обод Ватанга айлантириши шубҳасиз.

✓ Ижроқўм йиғилиши

ДОЛЗАРЬ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди

Даставвал, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — олий мақсади» номи маърузасидан келиб чиққан ҳолда партия олдига турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Жамият янада демократлаштириш шароити

тида партия нашри» мавзусида семинарнинг ташкилий масалалари ҳамда 2008—2010 йилларга мўлжалланган «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мақсадли давлат Дастурининг ижросини таъминлаш тўғрисида фикр алмашилди. Шунингдек, партия ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири.

ЯНГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Денов туманида 720 ўринга мўлжалланган янги академик лицей фойдаланишга топширилди. Ўқув маскани «Денокурлиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди.

Эркин САИДОВ,
«Адолат» мухбири.

✓ Истиқлол берган имконият

ҚИЗИЛҚУМ ЖАВОҲИРИ

Учқудуқ шаҳри рамзий маънода «Қизилқум жавоҳири» дея эътироф этилади. Шу ном билан аталадиган шаҳар ва туман бу йил ташкил топганлигининг 50 йиллигини кенг нишонланмоқда. Бугунги кунда ҳудудда бешта маҳалла, етти овул фуқаролар йиғинлари бор. Уларда 30 дан ортиқ миллий вакилларидан иборат 38 миң 640 нафар аҳоли тинч-тотув яшаб келмоқда. Сахрою барханларро жойлашган ҳўжаликларда истиқомат қилувчилар асосан чорвачилик билан шугулланишади. Тумандаги мактаб ва коллежларда қарий 7 миңдан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, ёшлар иқтидорини ривожлантиришда «Қизилқум», «Современник» маданият саройлари, мусика мактаби, «Лочин» спорт комплекси ва бошқа даргоҳларнинг ўрни беҳис.

Туман ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган мақсадли дастур аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни босқичма-босқич такомиллаштиришни кўзда тутди. Учқудуқда саноатнинг ривожланиши шаҳар моддий техника имкониятларини юксалтириш билан бирга, олис овуллар инфратузилмаларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилаётди.

Ёшлар йили давлат дастурига кўра, ҳамда туман ва шаҳарнинг 50 йиллиги муносабати билан жорий йилда ҳудудда 84 та янги ижтимоий-иқтисодий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 3-гидрометаллургия заводи қишлоқда «БИОХ» технологияси асосида олтин ундиришга мослашган завод қурилиши ҳам ўз ниҳонига етди. Мазкур корхона ишга туширилган, 650 та янги иш ўрни яратилди. Натижада қимматбаҳо бойлик — олтин олиш қўлаи янада кенгайди. Яқинда фойдаланишга топширилган уй-жой коммунал ҳўжалиги коллежи, почта биноси, «Учқудуқ иссиқ қон» хусусий корхонаси, спорт мактаби аҳолига, айниқса, ёшларга улкан имкониятлар яратди. «Ёшлар боти», иқтидорли ўқувчилар клуби, тил ўрганиш марказлари қўллаб ёш истеъдод соҳибларини ўз бағрига олди. Туманда спорт, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, иқтидорли соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Шимол овози» фестивали ҳам тез-тез ўтказилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича йил давомида икки миң нафар киши ишга жойлаштирилди, уларнинг миң нафари хотин-қизлар, 662 нафарини эса ёшлар ташкил этди.

Қисқача айтганда, кун сайин жамол очаётган Учқудуқ шаҳри вилоятнинг обод ва кўркам гўшасига айланмоқда. Эртанги кун эгалари — ёшлар, айниқса, бундай қулайликлардан баҳраманд бўлиб, буюк келажақни яратишга муносиб ҳисса қўишлари мукярар.

Бахтиёр ТЕМИРОВ,
«Адолат» мухбири.

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА



(Давом. Бошланғич 1-бетда).

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан куйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси С.Ахмедова маъруза қилди. Эътироф этилдики, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги Қонуни билан мувофиқлаштириш мақсадида ўзгаришлар киритилмоқда. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қимматли қозғалар бозорида дахлдор бўлган амалда-

ри барча қонун ҳужжатлари таҳлил қилинди. Шунингдек, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда ҳамда «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда депутат-

лар муҳокамасига ҳавола этилди. Депутатлар томонидан барча қонун лойиҳаларининг долзарблиги эътироф этилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланди. Партия электорати манфаатлари инобатга олиниб, муҳокамага айтилган қонун лойиҳаларининг янада такомиллашувига хизмат қилувчи фикр ва тавсиялар берилди. Илғиш сўнггида фракция нуктаи назари белгилаб олинди.

Фарҳод ЭРКИНОВ,
«Адолат» мухбири.

ЮРТ МАДҲИЯСИ

«Серкўёш хур ўлкам,
элга бахт, наҳот...»

Давлатимиз мадҳиясининг илк сатри-ни эшитган заҳоти юракларга ғўшқин-лик киради, қалблар ғурур-ифтихорга тўлади, беихтиёр оғизлар жуфтланиб, жўр бўласиз. Зеро, мадҳия – давлати-миз рамзларидан бири, озода ва обод юртимизни мадҳ этувчи халқ кўшиғидир.

Куни кеча пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика коллежида Давлат мадҳия-сиз қабул қилинганлигининг 16 йилли-гига бағишланган тадбир ўтказилди.

Мадҳия матни муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов коллеж ўқувчиларининг меҳмони бўлди. Урашувда сеvimли шоиримиз истиклол йилларида мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар, амалга оширилаётган ислохотлар, давлатимиз томонидан ёш авлод таълим-тарбияси, ёшларимиз бил-лими, етук ва баркамол инсонлар бўлиб етилишлари учун доимий ғамхўрлик қилиниб, барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги ҳақида гапириб берди, мадҳиямиз матнининг яратилиши билан боғлиқ хотираларини ўртоқлашди.

Ардоқли шоир Абдулла Орипов, ис-теъдодли шоир Рустам Мусурмон ва бошқа меҳмонлар йиғилганларга ўзла-рининг янги шеърларидан ўқиб бериб, даврга ўзгача файз киритишди.

Умид ИСМОИЛОВА,
коллеж ўқувчиси.

Депутатлик гуруҳи

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг нав-батдан ташқари сессиясида қўллаб муҳим масалалар қаторида Гулистон шаҳрида сизот сувлари ер сатҳига яқин кўтарилиши оқибатида захланиш ортаёртилганлиги ҳам ало-ҳида ургу берилган эди.

Бу муаммоли масала вилоят Кенгаши депутати Тўйму-род Шариповнинг назаридан четда қолмади. Ўзи раҳбар-лик қилаётган вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг техник-муҳандислари билан шаҳар худудидаги йигирмадан ортқ дренаж қудуқларини қайта-дан текшириб чиқди. Натжидада қудуқларнинг аксарияти яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги аниқланди.

ТАШАББУС ЎЗИМИЗДАН ЧИҚСИН

— дейди Сирдарё вилояти Кенгашининг
депутати Тўймурод ШАРИПОВ

Бу ҳолат Тўймурод аканинг ҳаловатини йўқотди. Мута-хассислар билан келишилган ҳолда тезкор чоралар қўрил-ди. Депутат ташаббуси билан бошланган ишларнинг сама-раси ўлароқ, қисқа вақтда яроқсиз ҳолга келган қудуқлар ва насослар янгиланди. Сизот сувларининг ер сатҳига яқин-лиги 1,5-2 метрга пасайди. Айни дамларда қудуқлардаги насослар тўла қувват билан ишляпти.

— Қўрилиш ишларига бир миллиард сўмга яқин маблаг сарфланди, — дейди Тўймурод ака биз билан суҳбатда. — Бу хайрли ишларда бизга вилоят ва шаҳар ҳокимликлари билан бир қаторда, хўжалик ташкилотлари, ҳомийлар ҳам яқиндан кўмак беришди.

Гулистон шаҳридаги Улуғбод маҳалласи ундан миннат-дор. Маҳалланинг ободончилиги йўлида Ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотдан бир неча тиркамали трактор аж-ратди. Унинг ташаббуси билан ҳафтанинг бир куни белги-ланиб, «Орасталик куни» деб эълон қилинди.

Депутат фаолиятига доир бундай мисолларни қўллаб келтиришимиз мумкин. Асосийси, халққа нафи тегиш, одам-лар дардига малҳам бўлишдир.

Эркин САЙИД,
«Адолат» мухбири.

Туман Кенгашларида

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Богот тумани партия Кенга-ши тумандаги 1-сонли умум-таълим мактабига Конститу-циямизнинг 16-ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декла-рацияси қабул қилинганлиги-нинг 60 йиллиги муносабати билан «Бахтли ва фаровон ке-лажақ сари» мавзюда даврга суҳбати ўтказди. Президен-тимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тад-бирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган мақсад-вазифалар доираси-да ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бора-сида амалга оширилаётган

саъй-ҳаракатлар, Омбудсман институти фаолияти, Ўзбеки-стон Республикаси Конститу-циясининг мамлакат ва фу-қаролар ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз оритилди.

Ўқувчиларга ўз ҳуқуқ-ларини, улардан онли фой-даланишни ўргатишга ҳар-биримиз масъулмиз, — дей-ди туман партия Кенгаши раиси ўринбосари Муқаддас Ибодуллоева. — Бундай тад-бирлар ўқувчиларнинг қону-ний ўқиб-ўрганиши, ҳуқуқ ва бурини англашига ёрдам беради.

Давра суҳбати очик му-лоқот тарзида ўтганилиги би-лан кўпчиликда катта таъс-сурот қолдирди.

Ўз мухбири.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

Қабул қилинган Ер Ко-декси, «Қишлоқ хўжалиги ширкати», «Фермер хўжа-лиги», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар тўртта муҳим масалага ечим топиб берди:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигига мулк масала-сига аниқлик киритди. Иккинчидан, дехқон-ларнинг, қишлоқ хўжали-гига ишловчиларнинг мулкка эгаллик ҳиссини шакллантирди ва мустаҳ-камлади.

Учинчидан, қонунлар орқали қишлоқ жойларда иқтисодиётимизни ривож-лантириш ва бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси яратил-ди.

Тўртинчидан, қонунлар Ўзбекистонда янги синф — мулк эгаллари пайдо бўли-шига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

Шу тариқа қишлоқ ин-фраструктурасини ривож-лантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бо-расида олиб борилаётган ишлар ўз ижобий натижа-сини берди. Косибчилик, тикувчилик устаконалари, прокат хизмати, кимёвий тозалаш, қўйинги, маи-ший хизматининг барча турлари йўлга қўйилди. Замонавий мактаблар, шифонахалар, поликлини-калар қурилди.

Давлатимизда ижти-моий-иқтисодий ислохот-ларни амалга ошириш-нинг устувор йўналишлар-идан бири — қишлоқни шаҳар даражасига кўта-риш бўлди. Халқимизнинг турмуш даражасини яхши-лашда, авваламбор, қиш-лоққа эътибор қаратил-ганлиги ҳар томонлама

адолатли иш бўлганини эътироф этишимиз лозим. Аҳоли пунктларини газ ва ичимлик суви билан таъ-минлаш дастурини амалга ошириш борасида мингглаб километр газ ҳамда сув қувурлари тортилди.

Бутун халқимизни қувон-тирган ўта муҳим масала — мамлакатимиз Бош Қомуси — Ўзбекистон Республика-си Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йил-лигига бағишланган танта-нали маросимда муҳтарам Юртбошимиз томонидан кириб келаётган 2009 йил-нинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган бўлди.

Президентимиз ўз маъ-рузаларида қишлоқ турмуш даражасини ошириш, қиш-лоқ аҳоли манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шу масала-лар билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугун-ки кун талаблари нуктаи на-заридан қайта қўриб чиқиш каби асосий чора-тадбир-ларни ўзида ифода этади-ган Дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақида фикр билдирди.

Айни вақтда, қишлоқ жойларидаги инфратузилма тармоқларини — бу уй-жой қурилиши, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энер-гияси таъминоти, йўллар-нинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими — бу-ларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва ма-даниятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият бериш зарурлиги аниқ.

Шу билан бирга, қиш-лоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам ва за-монавий техника ва техно-логиялар билан жиҳозлан-ган қайта ишлаш қорона-

ларини барпо этиш, қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъмин-лаш, одамларнинг дарома-ди ва фаровонлигини оши-ришдек, муҳим мақсадлар дастурда ўз ифодасини то-пиши лозимлигига;

Шунингдек, қишлоқ хўжа-лигига иқтисодларни чу-қурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувват-лаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги им-тиёз ва имкониятларни туг-нинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги таъмин-лаш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулккий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ман-фаатларини ҳимоялаш за-рурлигига барчанинг эъти-борини қаратди.

Бизнинг Ўзбекистон «Адо-лат» СДП ҳам мамлакатимиз-нинг тараққиётига ўз ҳисса-сини қўйишни мақсад қилиб қўйган. Қолаверса, келгуси йилнинг «Қишлоқ тараққи-ёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги социал демократиянинг тамойил ва мақсадларига тўла ҳамоҳан-гдир.

Шу боис «Адолат» СДП-нинг етакчилари ва фаол-лари Юртбошимизнинг маърузаларини чуқур ўрга-ниб, кенг тарғиб қилишлар-и ва унинг мазмун-моҳия-тини аҳоли, сайловчилар ва электоратга етказишлари, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини тайёрлашда фаол иштирок этишлари ҳамда дастур қабул қилин-ган, унда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётага тадбиқ этишда ҳам фаол иштирок этишлари лозим.

Худож. МАМАТОВ,
Олим Мажлис Қовқушчилик
палатаси депутати,
«Адолат» СДП фракцияси
аъзоси.

«Адолат» ҳуқуқий масаҳатхонаси

ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Кейинги пайтда «Адолат» газета-сида «Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотлари фаолиятига доир кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Менга мазкур ҳудудий ташки-лотлар тузилиши ҳақида маълумот берсангиз?

Икром САБДУЛЛАЕВ,
Қармаша тумани.

Худудий партия таш-килотлари Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси Кенгаши Ижроия Қўмитаси қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси маъму-рий-ҳудудий тузили-шига тегишли ҳолда тузилади, қайта таш-кил этилади (қўшила-ди, бўлинади) ва тар-қатилади.

Шунингдек, ҳуду-дий партия ташкило-тини тузиш тўғриси-даги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ташкилий қўмита тузилади ва бир ой давомида таъ-сис конференцияси чақирилади. Янгидан тузилган ҳудудий пар-тия ташкилоти қону-нда белгиланган тартиб-да Ўзбекистон Рес-публикасининг тегиш-ли ҳудудий субъекти адлия органида рўй-хатга олингандан сўнг юридик шахс мақоми-ни олади.

Бир шикоят изидан

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги фермерлар-нинг биридан тахририяти-мизга қизик бир хат келди. Мазмун билан танишган, Бухорога йўлга тушдик.

«Мен 2003 йили Олот ту-манидаги собиқ Файзулла Хўжаев номи ширкат хўжалиги ҳудудида «Неъмат Рўзиев» фермер хўжалиги-ни ташкил этдим, — деб ёзди фермер Н. Рўзиев. — Ҳозир 52,7 гектар ерда деҳқончилик қиламан. Шу пайтгача пахта ва галла-дан юқори ҳосил кўтариб келганман. Техникаларим бор. Президентимизга раҳ-мат, биз шундай имкони-ятларга эга бўлдик.

Аммо, кичик бир нохуш ҳолат борки, мана беш йилдан буён менга тинч-лик бермайдди. Мен фер-мер хўжалиги ташкил эт-ган ерларда аввал ширкат аъзолари оилавий пудрат асосида меҳнат қилишар-ди. Улар орасидаги Эгам-берди Эргашев 0,40 сотих ерини ноқонуний равишда эгаллаб олиб, беш йил-дики, фермер хўжалигим хисобига топширмай кела-япти. Асосан пахта экила-диган 366-контурнинг қоқ ўртасида турли иморатлар қуриб ташлаяпти, парран-да ва чорва молларини қўпайтириб, экинларга зиён етказаяпти. 0,40 со-тих ерда етиштирилиши керак бўлган пахта ҳосили қийматини чўнтагимдан тўлаялман. Маҳаллий ҳокимиятга, фуқаролик су-дига бир неча бор муро-жаат қилдим. Улар ҳақли-гимни тасдиқлашяпти, аммо Э. Эргашевнинг фер-мер хўжалигимизга қар-рали ердан чиқара олишяпти. Нима эмиз, Э. Эргашевнинг оиласи билан яшайдиган жойи йўқ эмиш. Унда қонунчи? У ҳаммага бирдек эмасми?

Йўл юриб, юрганда ҳам мўл юриб, Олотга етиб бордик. Ариза муаллифи-ни даласидан топдик. Неъмат Рўзиев кўшнинг жазирама иссигида бир-мунча қорайган, меҳнатда тобланган, камтарин, од-

дий деҳқон одам экан. Биз-ни машинасига ўқказиб, чўл-биёбон-у даладар ора-лаб, ўнқир-чўнқир йўллар-дан анча узоққа олиб бор-ди. Ўзига қарашли даладар-ни кўрсатди. Дарҳақиқат, чор-атроф пахтазор, унинг қоқ ўртасида уй деса уйга ўхшамайдиган, пахсадан тикланган бир қўлаб, атро-фида чорва моллари учун мўлжалланган худди шун-дай кўрсимиз яна бир имо-рат совуқ савлат тўкиб ту-рибди. Уй эгалари кўрин-

ди, чорвасини далага ҳайдаб кетган экан. — Бешинчи йил — аҳвол шу, — дейди фермер. — Нима қилиш керак, бошим қот-ган. Чикинг бу ердан деса-м, ёқамдан олади. Қўлида қонуний бирорта ҳам ҳуж-жати йўқ.

Фермерни тушуниш мум-кин, аммо харчанд атрофи-ни кузатмайлик, Эгамбер-ди Эргашевни тушуна ол-мадик. У ноқонуний эгал-лаб олган жой цивилиза-циядан, яъни, энг яқин қиш-лоқдан 8-10 километр узоқ-ликда жойлашган. На элек-тр, на газ тармоғи бор. Мактаб ёшидаги фарзанд-лари ўқимас экан. Робин-зон Крузоннинг ўзгинаси. Ҳойнаҳой бу томонларга туман прокурори ҳам кел-маган бўлса керак, акс ҳолда бу ҳолат беш йил давом этмасди.

2006 йил 13 июнда фу-қаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро суди-да фермер Н. Рўзиевнинг аянш шу масала юзаси-дан даъво аризаси қўрил-ди. Раислик этувчи судья Т.Файзиев ҳолатни атрофи-лича ўрганиб, даъво

қаноатлантирди. Жавобгар Э. Эргашев эса бундан но-рози бўлиб, фуқаролик иш-лари бўйича Бухоро вилоя-ти судига апелляция тарти-бида шикоят аризаси би-лан мурожаат этди. 2007 йил 19 апрель куни касса-ция тартибида қўрилган суд мажлиси ҳам фермернинг фойдасига ҳал бўлди. Ни-хоят иш ижро департамен-тига ўтказилди. Ижрочилар енг шимариб ишга кириш-ганда вилоят прокурори-нинг ўринбосари Ж. Низо-

Асаблари таранглашган фермер Неъмат Рўзиев яна бир бор суд маҳкамасига даъво аризаси билан муро-жаат этди. Фуқаролик иш-лари бўйича Қорақўл туман-лараро судининг 2007 йил 5 ноябрдаги очик мажлиси-да илгари айнан шу даъво-ни қаноатлантирган суд ра-иси Т. Файзиев негадир бу сафар фермернинг талаби-ни рад этди. Ҳал қилув қарорида Э.Эргашев эгал-лаб олган 0,40 сотих ери қонуний эканлиги, фермер

Фуқаролик ишлари бўйи-ча Қорақўл туманлараро су-дининг бу қароридан ажаб-ланган Олот тумани ҳокими И. Хўжаев жавобгар Э. Эр-гашевнинг ноқонуний эгал-лаб олган 0,40 сотих ерини туман ҳокимлиги захираси-га қайтариш тўғрисидаги даъво аризаси билан муро-жаат этди. 2008 йил 22 апрелда бўлиб ўтган суд мажлисида раислик қилган судья Т.Файзиев ҳокимнинг даъво аризасини... қаноат-лантиради. Ажабо!.. Бу ни-мадан далолат?..

Олот туман ҳокими И. Хўжаев, фермер Н. Рўзиев чуқур тин олишиб, «Хайри-ят-е, шу масала ҳам қону-ний ҳал бўлди, деб тур-ганлариди, фуқаролик иш-лари бўйича Қорақўл туман-лараро судига жавобгар Э. Эргашев яна ариза билан мурожаат қилиб, 2008 йил 28 апрелдаги суд жараёни унинг иштирокисиз ўтганли-гини, Олот тумани ҳокими-нинг қаноатлантирилган даъво аризасини бекор қилишни сўрайди.

Бу сафар, яъни, 2008 йил 15 июлда бўлиб ўтган маж-лисида раислик қилган судья Г.Муллабоева жавобгар-нинг талабини қондириб, олдинги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилади. Ижро яна тўхтади.

— Йилани қолсан, су-дларимизга нима бўлган ўзи, — дейди фермер ўрсиниб. — Бир қарор чиқаради, ик-кинчиси бекор қилади. Қонун қоптоқмидики, тепган томонингга унаверса. Унда ишонч деган туйғу шикаст-ланмайдими?

Дарҳақиқат, фермер ҳақ. Агарда муҳтарам прокурор-лар-у, судьялар жавобгар Э.Эргашев эгаллаб олган 0,40 сотих ери ўз қўзлари билан бориб қўришганларид-да, балки қонун шу даража-да қоптоқ бўлмасмиди?

Хуллас, қоптоқ хануз ўйинда, майдонни тарк эт-гани йўқ. Келгуси йил — йилнинг «учинчи тайм» бўлса ажабмас... Яна ким билади, дейсиз?!

Мақсуд АҚРОМОВ,
«Адолат» мухбири.

ОЛОТЛИК “РОБИНЗОН КРУЗО”

мов фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлара-ро судига ариза билан му-рожаат қилиб, ижрони тўх-татишни сўрайди. Прокурор аллақандай янги очилган ҳолатни вақ қилиб кўрса-тади. Ижро тўхтади.

Вилоят прокуратура-дан ўринбосар Ж. Низо-мовнинг фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлар-ро судига ёзган аризаси нусхасини топиб беришол-мади. Қолаверса, Қорақўл туманлараро судининг со-биқ раиси, ҳозирда фу-қаролик ишлари бўйича ви-лоят суди судьяси бўлиб тер тўқатган Т. Файзиев ҳам, туманлараро суд маҳ-камасининг айни пайтдаги раиси Г. Муллабоева ҳам «Судлар тўғрисида»ги қонунни рўқач қилишиб, бизга бирор маълумот бе-ришни истамади. Бундан чиқди, аслида вилоят про-курори ўринбосарининг янги ҳолат аниқлангани бо-расидаги аризаси ё бор, ё йўқ. Энг қизиги, ушбу янги очилган ҳолат бўйича нега-дир суд мажлиси қайта ча-қирилмади. Епилик қозон ёпиғилгича қолаверди.

хўжалигига ер ажратилаёт-ганда вилоят ер ресурслар-и ва давлат кадастр бош-қармаси ҳамда Олот тумани ҳокимлиги Э.Эргашевнинг 0,40 сотих ердан уй-жой ва томорқа сифатида фойдала-ниб келаётганлиги хабари бўлмаган, дейилади. Бунга сабаб қилиб собиқ Ф. Хўжа-ев номи ширкат хўжалиги ер майдонлари киритилган хаританинг асл нусхасида Э.Эргашев эгаллаган 0,40 сотих ер алоҳида чегарала-ниб, собиқ ширкат ёхуд фер-мер хўжалигига алоқадор эмаслиги кўрсатилган. Бирок жанжал шу 0,40 со-тих ер Э.Эргашевга уй-жой ва томорқа сифатида тегиш-лилиги хусусида бирорта қонуний ҳужжат мавжудли-ги қайда айтилмаган.

Одатда уй-жой, қолавер-са томорқа ери туман ҳо-кимлиги томонидан белги-ланган контурлардан наваб-ти билан ажратилган-ку. Э.Эргашев ким бўлибдики, унга инсон зоти яшамайди-ган, қишлоқлардан ўн ки-лометр узоқликдаги серхо-сил пахта майдонининг қоқ ўртасидан ер ажратилиб, ҳиммат кўрсатилган?!

«Адолат» бонг уради

“БЕШ КИЛО ГУРУЧ... БИЛАН ҚИШЛАЙМИЗ”

Андижон шаҳридаги мутасаддилардан мактаб, мактабгача таъ-лим муассасаларининг қишга тайёргарлиги қандай, деб сўрасан-гиз, дарҳол «яҳши», деб жавоб беришад. Бундан хурсанд бўлиб, таълим муассасаларини кўздан кечирсангиз, аксинча ҳолатни қўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. «Наҳотки, қишга қўрилган тайёргарлик шу бўлса», деган фикр беихтиёр кўнглингизда ташвиш уйғотади.

65-сонли мактабгача таълим муассасаси шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Шу боис ҳам муассасанинг иситиш тизимлари шаҳарнинг марказий иситиш тармоғига уланган. Лекин қарийб ўн йилдан буён богча хоналарини иситишда электр энергияси билан ишловчи воси-талардан фойдаланиб келинмоқда. Хар йили қишда имкониятга қараб, мавжуд 14 та хонанинг 9 таси иситилапти, холос. Қарийб ўн йилдир-ки, шаҳар марказий иситиш тармоғи қозонхоналаридаги аҳвол ўнган-маяпти. Алмосқондан қолган ускуналарнинг «шарти кетиб парти қол-ган». Уларни таъмирлаш ёхуд янги замонавийларига алмаштириш учун анча-мунча маблаг зурур. Бунинг устига қозонхоналар маъму-раларини янги ускуна учун зарур маблаг топишдан кўра, ҳозирга қадар орттирган қарзларини тўлаш ташвиши кўпроқ кўйналмоқда. Ҳозир улар-нинг биргина «Андижоншаҳарга» унитар қорхонасидан кредиторлик қарзи 443 миллион сўмга етган. Шу боис, унитар қорхона шаҳардаги ҳеч бир қозонхона билан шартнома тузмаган. Биргина шу далилнинг ўзи Андижон шаҳридаги марказий иситиш тармоғига уланган ҳар қандай иншоотнинг аҳоли нечоғлигидан дарак бериб турибди.

Дарвоқе, 65-сонли болалар босқасидаги муаммо биргина шунинг ўзи билан чекланмади. Бу ерда Андижон шаҳар молия бўлимининг Халқ таълими муассасаларини молиялаш секторидида мутахассис-ларнинг пешонасини тириштирадиган бошқа муаммо ҳам қалашиб ётибди. Масалан, богчада тарбияланаётган 135 нафар бола учун киши масўмга ҳамарилган озиқ-овқат захирасини оилалик: пивз 150 кг, картошка ундан сал кўпроқ, сабзи 100 кг, гуруч эса бор йўли 5 кг... Ҳафта давомида 5 килодан олиб келинган хитой гуручининг Андижон шаҳар б

✓ Конституция — менинг тақдиримла

БОШ ҚОМУСИМ — ПОСБОНИМ

Ўзбекистон халқининг ёдидан ҳеч ҳам кўтарилмайдиган, авлодларга гурур билан сўзлаб беришга арзийдиган кунлардан бири 1991 йил 1 сентябрь — Мустақиллик кўни бўлса, яна бири эса хотирамизда ўчмас бўлиб қолган сана 1992 йил 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кундир. Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида ўз ўрнини топишида қомусимиз муҳим аҳамиятга эгадир. Унда фуқаронинг, шахснинг эркинлиги ҳамда ҳуқуқи биринчи ўринга қўйилган. Шу ўринда оз мuddатга Туркистон генерал-губернаторлиги таъйини остида бўлган боболаримизни бир эслайлик. Улар армонга айланган орзуларининг рўйбени кўра олмадилар. Ўзлигини, тилини, динини унутишга мажбур қилинган ана шу кунларда улар бугунги қомусимизни орзу қилмаган дейсизми?!

Мунис она кўкрак сути ерга томган дамда дунёга келиб, оламдан ўтган мурғаккина гўдагини йиғиларини эшитишга зор бўлган онларда ҳурлини қўсмамаганлар дейсизми?! Ўзи асли кимлигини, аждодлар шажарасини билмай ўсган болалар ўз ҳуқуқини танимоқликни, тарихини билишни жуда-жуда истаганлар-ку!

Эрх наҳидасини суриб, баралла айтилган "мустақил-

ман" деган сўз не-не миллатдошларимизнинг бўғида қолиб кетди! Бу кун биз Чўлпон орзу қилган эл бўлди. Фитрат, Қодирийнинг эзгу орзуси бўлган мустақил юрда яшамокдамиз. Аммо қалбда бир кемтиклик. Айни пайтда асосий Қонунимиз — қомусимизга эгамиз. Лекин истиқлолимизни орзу қилган ўша оловқалбли аждодларимиз қани?!

Мен 1992 йилда туғилдим. Халқимиз истиқлолга эришган бахтли онларда дунё юзини кўрган энг бахтли фарзандлардан бириман. Биринчидан, боболарим орзу қилган истиқлолнинг фарзанди сифатида дунёга келдим. Мен бутун дунёга жар солиб, "инга-инга"лаб йиғладим. Чунки энди мен эркин, озод, мустақил юрт фарзанди бўлиб туғилганимни кенг жаҳонга аниқладим. Туғилганим ҳақидаги гўвоҳномани ҳам адолатли қонунлар асосида олдим. Демак, мен дунёни энди кўрган захотимданок Конституциямга юзма-юз бўлдим. У мен билан ҳаётим давомида ҳамроҳ бўлиб келмоқда.

Илк бора мактабга қадам қўйганимда Конституциянинг 41-моддаси менга ҳамроҳ бўлди: "Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мак-


таб ишлари давлат назоратидадир". Илк бор қалам ушлаб, ёзишни, ўқишни ўрганган кунларим, ёруғ синфхонага кириб келган устозимнинг кўзларига меҳр-ла қараганим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Қоялар бағрига кўрк берган қип-қизил лолаларни ҳеч кўрганмисиз? Уларни тоғлар доим ҳимоясига оладилар. Шамоллардан, бўруну ёмғирлардан лолаларни ҳеч қачон кўрмайди. Чунки унинг посбони бор. Мен ҳам ўзимни бир гулга ўхшатаман. Менинг ишончим, суянчиғим ва ундан кейин ҳам ҳар доим ҳимоя қилади.

Мажнунтол нега сой бўйида, сойга қараб бош эгиб туришни биласизми?! Чунки у сой сувига бегона нарсалар тушишидан асрайди. Киприкларимиз эса бизни кўзларимизга тушиши мумкин бўлган гард-ғуборлардан сақлайди.

Полапонини асраб-ардоқлаётган қушларга ҳеч аҳамият берганмисиз? Улар ўз попонларни учун ин қуришади, уларни мустақил ҳаётга соғ-омон, бақувват, ўзини ҳимоя қила оладиган тарзда тарбиялайди. Менинг назаримда, Конституция ҳам бизни ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда, ўзимизни ҳимоя қилишимизда, кучли бўлишимизда ёрдам берадиган ҳимоячимиздир. Мен бу ҳимояни ўз ҳаётимда, яқинларимнинг тақдирини кўрдим ва ҳис қилдим.

Сардорбек ХАМРОЕВ,
Тошкент юридик
коллежи талабаси.

ЯНГИ
ОКЕАН
ПАЙДО
БЎЛАДИМИ?

Кузатувлар натижасига кўра, олимлар янги пайдо бўлаётган океан Африкани иккига бўлиб юборишни айтишмоқда.

Янги океанга шарқий Африкадаги зилзиладан сўнг пайдо бўлган эни 8 метр, узунлиги 60 километрли ёриқ асос бўлган. "Агар бу ёриқ мунтазам катталашиб борса, қитъа ўртасида улкан сув ҳавзаси юзага келади. Кейинчалик у Қизил денгиз билан тутшиб, океаннинг бир қисми қитъага кириб келади", — дейди Оксфорд университети олими Тим Райт.

Тахмин қилинаётган ўзгаришлар натижасида Судан, Сомали, Жибути, Эфиопия ва Эритрея мамлакатлари қитъадан буткул ажралиб кетиши мумкин. Мутахассислар мазкур ер ости ўзгаришлари 2 миллион йилдан буюн давом этаётганини айтишмоқда.

Эслатиб ўтаамиз, ўтган йили кузда Ер юзининг бешичи океани пайдо бўлаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалган эди.

СОАТНИНГ ВАЗИФАСИ ЎЗГАЧА

Германиялик олимлар томонидан яратилган мослама ҳам вақтни кўрсатади, ҳам ҳаво ҳароратини аниқлаб беради, қолаверса, хона ҳавосини тозалай олади. Мазкур қўлайликларнинг ҳаммасидан бирваракайига фойдаланиш қўшимча электр қувватини талаб этмайди, мослама компьютерга уланса бўлгани.

Мослама таркибидagi термометр ҳаво ҳароратини 10 сонияда бир марта ўзгартириб тура

олади ва олинган натижа ҳақида Цельсий ёки Фаренгейт кўрсаткичлари бўйича маълумот беради. Соатда эса ой, сана, ҳафта кўни, соат, дақиқалар кўрсатилади. Соатнинг уйғотиш хусусияти эса мосламага аввалги аждодларидан мерос. Ҳаво тозалаш хусусиятига келсак, у 9 квадрат метрга мўлжалланган. Мосламанинг ажойиб рангларда товланиши эса кишини тунда ҳам завқлантириб туради.

«ЎЗСТАНДАРТ»
агентлигиТОШКЕНТ СИНОВ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ
ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 16 йиллиги билан қутлайди.

Сизларга тинчлик-тотувлик,
сиҳат-саломатлик, омад,
зафарлар доимо ёр бўлсин!

Барча турдаги маҳсулотлар
учун қулай, арзон,
тез ва сифатли
сертификатлаштириш
хизматларини таклиф этамиз.

Мувофиқлик сертификати — сифат кафолати.

ХОРИЖГА ЭКСПОРТ
ҚИЛИНАДИ

Сариосиё туманида Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Янги жамоа бу гўшада етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайди. Тайёрланган маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилинади. Қўшма корхонани ишга туширилиши эвазига бу ерда янги иш ўринлари юзага келди.

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Тошкент Давлат юридик институтида "Ҳуқуқ, экология, саломатлик" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Йиғилишда таъкидландики, атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчиликнинг амалда қўлланилаётганлиги туфайли атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг миқдори 1,95 баробарга, ифлосланган оқова сувларнинг ҳажми икки баробар қамайди.


Бахт ДИЁР.

АСАКАБАНКНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
Конституциянинг 16 йиллиги
билан муборақбод этади.

Бош Қомусимиз
барҳаёт бўлсин!



«ҚОРАҚЎЛДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан
чин дилдан табриклайди!

БАРЧАГА БАХТ-САОДАТ, ФАРОВОНЛИК,
ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ВА ОМАД ТИЛАЙДИ.

ИМКОНияТЛАР КЕНГАЙДИ

"Қоракўлдон маҳсулотлари" очик турдаги акциядорлик жамиятида бу йил амалга оширилган модернизация ишлари корхонанинг имкониятларини янада кенгайтди. Туркиялик мутахассислар билан тумандаги 193-қурилиш ташкилоти ҳамкорлигида олиб борилган технологик янгиликлар эндиликда қўлчиликни мамнун этмоқда. Ахир модернизацияга сарфланган 600 миллион АҚШ доллари ўзини оқлади. Лойиҳада белгиланган ишларнинг пишиқ-пухта бажарилиши учун ҳамкорлар алоҳида куч-ғайрат сарфлашди.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан корхонага Туркиянинг 463 миллион долларлик юқори унумли жиҳозлари ўрнатилди. Натижада маҳсулот сифати ва чиқиш

миқдори янада яхшиланди. Цехлардаги жиҳозлар, қолаверса, жаҳон андозалари, техника ва ёнги хавфсизлиги талабларига жавоб бера оладиган даражага етказилди. Бугунги кунда корхона тегиримонидан бир кеча-кундузда 100-120 тонна сифатли ун ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, бу ерда маҳсулотни четга экспорт қилиш имкониятининг пайдо бўлганлигидир. Ҳозир Афғонистонга акциядорлик жамиятининг юқори сифатли ун маҳсулоти экспорт қилинаётди. Бугун салкам 300 нафар ишчи-хизматчи эга бўлган жамоа учун бу, албатта, қувончли ҳол.

Корхонада "Ёшлар йили" давлат дастурининг ижроси бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинди. Ўзгаришлар олиш мавсумида 40 нафар

ёш мутахассис Қашқадарёга саёҳатга бориб келди. Тумандаги 24-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаришди. Шунингдек, маъмурият ташаббуси билан "Зиёрат" кишлоқ врачлик пункти қайта таъмирланиб, кам таъминланган 2 оиллага қорамол олиб берилди. Қоракўлдаги мурувват уйи, мактаб ва боғчаларга ҳам мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Жамоа томонидан амалга оширилаётган хайрли ишларни яна қўллаб-таъкидлаш мумкин. Муҳими, корхонанинг модернизациядан чиқарилганлиги нафақат жамоага, балки туман аҳлига ҳам катта наф келтирмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Адолат" мухбири.



Ифтихор

НИГОРАНИНГ БАХТИ

унга кўпчилик ҳавас қилади

Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтининг 2-курсчи талабаси Нигора Рахмонова билан учрашиб иштиёқи бизда бежиз пайдо бўлгани йўқ. Ёш авлод вакили кўпчиликда аллақачон ҳавас уйғотган. Ҳали ёш бўлса-да, эл назарига тушган. Спортнинг қарат-до тури бўйича 5 марта Ўзбекистон чемпиони бўлган.

— Нигора бизнинг энг фаол талабамиз, — дейишади унга таълим бериб, тарбиялаётган устозлар фахр билан.

Толеи баланд қиз Нигоранинг ўз тенгқурларидан бу қадар ўзи кетганлигининг боисини у билан ўтказган суҳбатдан сўнг англаб етдик. Булар бола бошидан, деганларидек, Нигора спортни ўзига дўст тутиб адашмади. Жиззахлик тиришқоқ қизалоқ ҳали бошланғич синфда ўқиб юрган кезларидаёқ қарат-до ни ўрган-ди. Отаси Қодирали, онаси Санобархон қизидagi интилишларни кўриб енгил тин олар, фарзандлари камолоти йўлида қилаётган хара-



катлари зое кетмаётганлигидан қувонишарди. Тақдир тақозоси билан улар Андижон шаҳрига кўчиб кетишди. 2001 йилдан буён бу ердаги Қўшнур мактабида тажрибали мураббий Илҳомжон ака раҳбарлигида ўз маҳоратини оширган Нигора бугунги кунга келиб фаол талаба ва маҳоратли спортчи бўлиб етишди.

— Спорт орқали кўпгина ютуқларга эришдим, — дейди Нигора Рахмонова. —

Дўстлар орттирдим, беш бора Ўзбекистон чемпиони бўлишдан ташқари тенгқурларим ўртасида ўтказилган бир нечта халқаро турнирларнинг голиби бўлдим. Ўзбекистон кубогини қўлга киритдим. Келажакдаги олимпиядадаги қатнашларимда голиб чиқиб, шохсупанинг биринчи поғонасига чиқиш, ўшанда баралла янграётган мадҳиямига ҳамоҳанг давлатимиз байрогини кўтарилишини кузатиш менга завқ

бағишлайди. Нигора Рахмонова ўз бахтини тенгдошлари камолотида кўради. Уларнинг ютуқларидан қувонади. Ўзбекистон ёшларининг қатор соҳаларда эллараро доғру таратаётганидан чексиз фахрланади. Ўзи каби минглаб ёшларга бўлган чексиз ҳурмат-эътиборга амалий жавоб беришга интилади. “Камолот” ЁИХ институт етакчиси Муҳиддин Нурматов, устозлари — факультет декани Қомил Ярашев, декан ўринбосарлари Нодир Юсупов, Низом Тўхтабоев ва ўқитувчи Хулқар Аҳмедованинг ишончларини оқлашни ўзига шараф деб билади. Ўзи тахсил олаётган факультетда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бўлинимасини бошқариб, ёшлар камоли учун тиниб тинчимади.

Нарғиза интилувчан қиз. Келажаги порлоқ, толеи баланд. Унинг орзулари ушалишига, спортнинг бу тури бўйича янада доғру таратишига шубҳа йўқ.

Эммижон ЙЎЛДОШЕВ, “Адолат” мухбири.

Суратда: Нигора Рахмонова устозлари даврасида.

Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

РАВШАН ЭРМАТОВ ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИДА

Кеча Япониянинг Токио ва Йокогама шаҳарларида клублар ўртасида Жаҳон чемпионати бошланди.

Ушбу нуфузли мусобақада жордошмиз Равшан Эрматов асосий ҳакамлар бригадаси таркибиди иштирок этади. Эслатиб ўташим, Жаҳон чемпионатида Осиёдан 5 нафар ҳакам қатнашди. Шулардан фақат япониялик Юичи Нишимура ва Равшан Эрматовгина бош ҳакам бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур чемпионатда жордошларимиз Абдухамидулла Расулов ва Рафазл Ильясовлар ёрдамчи ҳакам сифатида қатнашади.

Мусобақа жорий йилнинг 21 декабрь кунини ниятисига етади.



Унинг ёруғ юлдуздек чараклаган нигоҳи ям-яшил майсаларга қадалди, кўёш иссиғида ердан кўтаришган ҳовурнинг ҳиди димоғига урилиб, беихтиёр болалик даврини, мактабдан чиқиб, майсасорларда шаталоқ отиб чоғлан пайтларини, ҳовур кўтарилаётган кенг, яшил далаларни, ўтлаб юрган уор-уор йилқиларни эслади. Майсасор... ям-яшил борлиқ, ўт-ўланлар, лолақиз-галдоқлар... майса хиди-чи?.. У қандай хид? Олма хиди? Йўқ... Жийда хиди. Йўқ! Унинг ўхшаши йўқ.

Ичкилар — ҳос кўриқчилар уни атрофдан ўраб туришар, Амир Сайфиддин эса, ҳов пастдаги қишлоққа қараб турар, остидаги кўнғир тус от ҳар ўйноқлаганда, гур-рос эсаётган шамол унинг қора ёлларини тортиқлаб қочарди.

Хукмдорнинг кўнғирокдек овозини шамол узоқларга олиб кетди:

— Бу қайси қишлоқ? Амир Сайфиддин қўлини кўксига қўйди:

— Бу қишлоқни Шабистар, дейдилар!

Хукмдорнинг кенг пешонасидаги майин ажинлар, бир текис ёйилиб кетди.

“Шабистарми?... Аҳ-а! — Шамол, тупроқ ва майса хиди аралаш димоғига урилди ва шу лаҳзада ҳаёл кўзгусида қизғин муқовали “Гулшани роз” китоби жиллоланди. Аҳ-а! “Гулшани роз” — “Сирлар гулшани”. Махмуд Шабистарийнинг китоби. Ушанда ўн тўрт ёшда эди. Ям-яшил шаҳар — Кешда, Абдулла Қўб мадрасасида ўқир эди. Жалолддин Румийнинг “Маънавий маснавий” китобини ва шу озарбайжонлик Махмуд Шабистарийнинг “Гулшани роз”ига ишқи тушиб, бир қанча ашъорларини ёд олган эди. Фалақнинг ишини қаранг: уни бугун Шабистар қишлоғи остоначида турли йилларга гарк этмоқда”.

Шамол бу сафар ўт томон-

дан эсиб, илиқроқ майса хиди билан димоғини қитқилади. Харорат кўтарилиб борапти...

— Қишлоқ оқсоқолларини ҳузурига чорланг!

Бўйи бир ярим, эни етти найза кенглигидagi ҳукмдорнинг ҳос чодир атрофида мусича ва чумчуқлар доғлаб юрарди.

Хукмдорни зимдан кузатаётган қизғин эшик оға унинг нигоҳи доғлаб юрган қушларга қаратилганини кўриб, ичиди суюнди. Кеча чодир атрофига дон селип қўйган эди. Чор-атроф қушга

қолли киши ортидан келаятган шерикларига разм солди:

— Турон ҳукмдори олимларни-ю ашъорни яхши кўради, деб эшитганмен!

— Махмудбекнинг ашъорларидан ўқисак бўлар?! — Бир қишлоқни шоирнинг ашъорларини Улуғ Амир пидсанд этармикан?

Хукмдорнинг ўтовидан анча олисида, икки баланд адир ўртасидаги дов-дарактли боғда дошқозонларда овқатлар бикирлаб қайнаб турар, нозик кўлларига оппоқ бежирим қўлқоп кийган шол-

ҳам босди. Омонат оқ чодир кўзларига улкан тоғдек салобатли кўринди. Ичкари киришиб, ўнг қўлларини чап қўлларига босиб, ўнг тиззаларини букиб саломлашди.

Хукмдор уларни ёнига чорлаб, мулоим оҳангда доғлаб сўрашди. Сўнг Махмуд Шабистарий ҳақида гапириб, ашъорларидан намуна келтириб, айрим сўзларни шарҳлади.

— Оқсоқол, — деди у қорачи юз қарияга тикилиб, — Махмуд Шабистар ҳақида нималар биласиз? Охириги

бошимиз осмонга етди, улуг Султон!

Хукмдор кўз қири билан имо қилган эди, оқ қалпоқ кийган йигит оқ шохи дастурхон олиб кирди. Кенг хонтохта устида бир зумда ширмой нонлар, турли сархил мевалар, хил-хил пишган гўшт, бедана кабоблар қатор тортиди.

— Қани, олинлар, мухтарам зотлар! Енглар, ичинглар! Сиз менинг ҳурматли меҳмоним эрурсизлар! Чол юрагини маҳкам тутди, қалтираётган оёқларини ерга қаттиқроқ босди:

— Бизда... улуг Султон, минг... қиш... у минг тўққиз юз саксон бир эркак-аёл бор экан.

Хукмдор барваста қўллар билан тиззаларини силаркан, ёқимтой кўзлари ўли чакнади. Ўнг ёнида, ҳос кўриқни ортида турган мўйловли йигитга ёз дегандек ишора қилди:

— Фармонимиз шу бўлурки, Махмуд Шабистарий зотларининг хотираси ва ҳурмати учун бул бандаларининг ҳар бирига беш мисқолдан олтин берилсун!

Қорачи юз чолнинг юрагини қисиб турган ҳадик танақидан чиқиб кетди. Энди у ҳасдек енгил бўлиб қолган эди.

Қизғин эшик оға бошидаги икки қулоқли қалпоғини қўли билан қаттиқ босди. “Бай-бай, шунча олтин текин кетди-я!” Бу фикрини биров илғаб қолмади-микан? деган ўйда ён-атрофига олазарак боқиб қўйди. Қорачи юз чолнинг кўзларидagi оқ билур томчиларини кўриб, елка қисди. “Эй, нега йилғайди бу?”

Ортдан озар чолларнинг овози эшитилди:

— Ташаккуримизни қабул қилғайсиз, улуг Хукмдор! Темурибек бошини кўтарди: майса хиди димоғига урилиб, Кеш далалари кўз олдига ям-яшил ястанди.

Тўққиз ХАЙИТ.

ҒАЛАТИ ҚУРОЛ

Францияда ён чўнтакда олиб юриладиган ғалати бир асбобнинг бозори чаққон бўлиб кетди. Чунки ундан уч метр наригача отилиб чиқадиған суюқлик ҳар қандай жонзотни бир зумда бе-

мажол қилиб қўяди. Мазкур қурол бирор ёмон ният-ли одам ҳужумидан ҳимояланиш учунгина бўлмай, шунингдек, қоп-ғон ит, заҳарли илон, чаёнлардан сақланишда ҳам асқотади.

ҒАРОЙИБ КАШФИЁТЛАР

Дунёда энг биринчи глобус ўрта аср шарқининг буюқ олими Абу Райхон Беруний томонидан кашф этилган. Унинг диаметри беш метрга етади. Унда ер юзидagi одам яшайдиган жойлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Бу улкан глобус тож-тахт учун бўлган жангларнинг бирида ишдан чиққан. Унинг бунёдкори эса Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Турк адмираллари Пири Рейс томонидан тузилган хариталар жаҳон олимлари эътиборини ўзига тортган. Гап шундаки, у 1494 йилда турк султони хизматида ўтади. 1500 йилда ёш Пири испан флоти устидан ғалаба қозониб, султонга жуда ёқиб қолган. Шу боис султон унга «Рейс» деган фахрий денгиз унвонини беради. 1513 йилда у тўплаган маълумотлар асосида дунё харитасини тузиб, султонга тақдим этган.

СОТУВЧИСИЗ ДЎҚОН

Америкада турли ўғирликларга чек қўйишнинг ғаройиб усули қўлланила бошланди. Ўғирлар шохиди юришса, улар баргида юришга интилишди-да. Бу мамлакатда сотув-чиси ва молсиз дўқон пайдо бўлди. Бу савдо ўқонининг залларида мустахкам ойна остига унинг хар хил намуналари қўйилган. Харидорга

рўйхатлар берилади. У ўзига керакли буюмларни танлагандан сўнг, пулини автоматик-кассага тўлайди. Касса эса автоматик равишда омборга хабар қилади. Омборчи буюртмадаги молни дарҳол қозғога ўраб, лифт орқали юқорига — сотув пештахтасига чиқаради.

Ахбар АЛИЕВ тайёрлади.

ҲАРБИЙЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.

Эллик иккинчи бор ташкил этилган жаҳон чемпионатида дунёнинг қирқ беш давлати қатори Ўзбекистон терма жамоаси ҳам тўлиқ тар-

киб билан қатнашди. Ўн бир спортчи билан қатнашган терма жамоа аъзоларидан 54 килограммда Баҳодир Мамажонов, 69 кг да Бехзод Юсупов, ўта оғир вазн тоифасида эса, Сардор Абдуллаевлар чемпионатнинг бронза медаллари билан тақдирланишди.

Бохтиёр ЕҚУБОВ, “Адолат” мухбири.

ЗАМОН РУҲИ

Ислом ҲАМРОНИНГ «БАҒРИБУТУНЛИК» китобини ўқиб

Истеъдодли шоир Ислом Ҳамронинг публицистик мақолалари жамланган “Бағрибутунлик” номли китобига ёзган сўзбошига атоқли адибимиз Одил Ёқубов тўпламдаги бадиларни ўқиб, муаллифининг нияти қандай айтишни билади-кан, яхшиликни қуқур ҳис этадиган қатта публицист эканига ишонч ҳосил қилганини эътироф этган. Дарҳақиқат, китобдан ўрин олган мақолалар қуқур маърифий аҳамиятга эга.



маънавият ҳақида кўп гапира-миз, лекин зарур ҳолларда унга керакли даражада эътибор қаратмаймиз. Бу, айниқса, онла бошлиқлари — ота-оналарга ҳам тегишли. Муаллиф ота-бобларимиз Абдулла Қодирий, Ҳасан, Фитрат, Бехбудий асарларини оловли ўқитишчи йиллардан киприда асраб олиб ўтганини, узун кечалар “Алпомиш”, “Гўрғули” каби халқ достонларини тинглаб, ёруғ кунларга интилиб яшаганини

эсга олади. Қани ўша аъёнлар, деб савол қўяди. Ёшларга буни биз — катталар ташкил этиб беришимиз керак, дейди у.

Унинг ҳозирги замон ёшлар қўшқилиги ҳақидаги мулоҳазалари ҳам кишини лоқайд қолдирмайди. Санъат соҳасида истеъдодли хонандалар ҳам, етук қўшқилар ҳам оз эмас. Бироқ гоҳо намоиш этиладиган айрим клипларда ярим ялғонч рақослар, қоматини намоиш этиб қўшқ айтаятган хонандалар тасвири ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, деб бўлмайди.

Китобда илгари сурилган фикрлар бир-бирини тўлдирди. Қўшқилик ҳақида қуноиб ёзилган мулоҳазалар дилимиздаги ўй-фикрлар талқинига ўхшади. Шунинг учунми, улар кўнгилга яқин, кишини ҳаётнинг паст-баланди ҳақида ўйлашга даъват этади.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Ҳамронинг “Бағрибутунлик” китоби бизни қураш турган олам, халқ ва унинг дарду қувончлари ҳақида баҳс этади, янги тушунарлар беради, тасаввурини бойитади ва жиддий мушоҳадага ундайди. Севишли адибимиз Одил Ёқубов таъкидлаб айтганидек, “Мукаммал асар, у қайси жанрда бўлмасин, миллиятнинг бойлиги сифатида умрбод яшайди ва ўзи мансуб бўлган замон руҳини англаб олишга хизмат қилади”.

Дилфуза ЭРТАШЕВА.

“Адолат” газетаси тахририяти ижодий жамоаси газетанинг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Зоҳир Тўрақуллова волида мухтарамаси ХАЙРИНСО аянинг вафоти муносабати билан қуқур таъзия изҳор қилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 26 декабрь, жума кунини қилиб.)

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибхона — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Матн: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир хайъати

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир ХҲЖАМБЕРДИЕВ,

Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРГИҚОВА,
Туретпалли ҚҲЗИЕВ,
Талъат МУРОДОВ.

Газета тахририят компютер марказида саҳифаланиши

• «Адолат»дан қўчириб босиб фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақсадлари белгисини.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Бехбуд БОТИРОВ
Навбатчи — Бохтиёр ЕҚУБОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ